

**2022 йил якунига “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК томонидан асосий
иқтисодий кўрсаткичлар бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Тармоқ бўйича умумий маълумотлар

Саноат соҳасида **3 трлн 602 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати таққослама нархда **101,6 фоизни** ташкил этди.

1 трлн 557 млрд сўмлик 132,4 минг тонна металл труба маҳсулотлари, **1 трлн 393 млрд сўмлик 202,4 минг тонна** металл арматуралар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастури режаси доирасида **875,9 млрд сўмлик 125,1 минг тонна** юпқа ўрама металл лист ишлаб чиқарилди. Яъни, белгиланган режага нисбатан **100,1 фоизга** бажарилди. Ушбу маҳсулот 2021 йил декабрь ойида ишга туширилган, қиймати **84,6 млн. доллар** ва йиллик қуввати **500 минг тонна**, қалинлиги **1,8-12,7 мм**, эни **1000 мм** бўлган “Юпқа ўрама металл прокати ишлаб чиқариш” лойиҳаси асосида ишлаб чиқарилмоқда.

2023 йилда ишга туширилиши белгиланган қиймати **36,4 млн доллар** ва йиллик қуввати **50 минг тн** бўлган “Тўғри чокли металл труба ишлаб чиқариш” янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, **23,3 млн доллар инвестиция** ўзлаштирилди.

4,025 млн кВт/соат электр энергияси ва **15,04 тн** нефт маҳсулотлари тежалди.

2. Маҳсулотлар импорт ва экспорти кўрсаткичлари

Импорт ҳажми **246,3 млн долларни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **97,3 фоизни** ташкил этди. Яъни, импорт ҳажмини камайишига жорий йилда металл трубалар ишлаб чиқарилишида зарур бўладиган импорт ўрнини босувчи юпқа ўрама металл прокати маҳсулоти маҳаллийлаштирилганлиги ижобий самара бермоқда.

Экспорт ҳажми маҳсулотларга Европа сертификатларини жорий этиш ҳисобига **8,3 млн долларни** ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **139,9 фоизга** ошди.

3. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва маҳсулот таннархини камайтириш кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси **91 фоизни** ташкил этди. Маҳсулотлар таннархи **4,0 фоизга (115,2 млрд сўмга)** камайтирилди. Маҳсулот таннархининг камайиши асосан энергия ресурсларини тежаш, хом-ашё материалларидан оптимал фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва бошқа факторлар ҳисобига амалга оширилди.

4. Дебитор ва кредитор қарздорлик кўрсаткичлари

- 2022 йил якунига дебитор қарздорлик **140,4 млрд сўмни**, кредитор қарздорлик **1296,9 млрд сўмни** ташкил этди.

- 2022 йил бошида Компания таркибидаги “В.Л.Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” ҚК МЧЖ томонидан хорижий давлатлар банкларидан жалб қилинган кредит маблағларидан жами **24,5 млн доллар қарздорлик мавжуд бўлиб**, шундан, 2022 йилда шартнома шартларига мувофиқ **7,0 млн доллар** сўндирилди ва 2023 йил 01 январь ҳолатига **17,48 млн доллар** қолдиқ қолди. Муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

5. Дунёдаги геосиёсий ҳолатнинг тармоққа таъсири

Россияга қарши қўлланилаётган санкциялар ва Россияда металл прокатлари экспорти бўйича кўрилаётган чоралар таъсирида Компания таркибидаги “В.Л.Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” ҚК МЧЖ томонидан Россиядан олинаётган металл хом-ашёси (штрипс, сляби) импортига маблағ ўтказишда муаммо вужудга келмоқда.

Бу ўз навбатида металл труба ва прокатлар ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатади.

6. Экология ва атроф муҳитни асраш бўйича амалга оширилаётган ишлар

Экология соҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- Компания таркибий саноат корхоналарида ишга тушириладиган лойиҳаларни экологик кўрикдан ўтказилишини таъминлаш;

- Металл эритиш ва қуйиш цехларида ҳавога кўтарилиувчи аралашмалар меъёрий таркибини белгиланган муддатларда экологик лаборатория текширувларидан ўтилишини назорат қилиш;

- таркибий ишлаб чиқариш корхоналарида атроф муҳитни тоза сақлаш ва экологик меъёрий талаблар бажарилишини таъминлаш.


7. Тармоқда мавжуд муаммолар, хатарлар ва камчиликлар

Россияга қарши қўлланилаётган санкциялар ва Россияда металл прокатлари экспорти бўйича кўрилаётган чоралар таъсирида Компания таркибидаги “В.Л.Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” ҚК МЧЖ томонидан Россиядан олинаётган металл хом-ашёси (штрипс, сляби) импортига Россия миллий валютаси (рубль)да маблағ ўтказишда муаммо вужудга келмоқда.

8. Мавжуд муаммо, хатарлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар

1. Россиядан хом-ашёлар импорти бўйича Ҳукуматимиз томонидан маблағ тўлови бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилаш. Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва тегишли вазирлик ва идоралар келишувидан ўтказилмоқда.

“Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК
бошқаруви раиси



А.Шодиев